

# МАЪРИФАТ



Халқ зиёлилари газетаси

1931 йилдан чиқа бошлаган

1994 йил 11 май, чоршанба

№ 24 (6611)

Баҳоси сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Тошкент давлат университетининг 75 йиллигини нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Келажаги буюк давлат энг биринчи навбатда бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур.

Узлуксиз таълимнинг ҳамма босқичларида янгиликни яратувчи ва уни янада ривожлантирувчи куч педагог мутахассислардир.

## ЖАҲОНИЙ ЎЗГАРИШЛАР ЮРТИ

Бу йилги баҳор биз учун бир оз ташвишли, айни чоғда ниҳоятда кутлуг келди. Ташвишлилиги шундаки, қишда ва кўкда қор-емир кўп эгди, айрим жойларда сел келиши, тоғ, қор ва тупроқ кўчиши ҳавфи пайдо бўлди. Жумҳуриятимиз раҳбарияти, маҳаллий ҳокимиятлар вазиёти хисобга олиб, табиий офатлар олдини олиш, оқибатларни бартараф этиш чора-тадбирларини белгиладилар. Қолаверса, одамзот табиат олдида ҳаминша ожиз, уни турли баҳо-қазолардан энг аввало, яратганини ўзи омон асрайди, инсофли-диенатли мўминларидан меҳр-шафқатини дариг тутмайди. Биз шунга ишонамиз ва муқом эртанги кунга умид кўйиб ашаймиз.

Аммо шундай бир пайтда хом сут эмган айрим бандларнинг ноҳақ хатти-ҳаракатлари кишини таажжуба солади. Биз бу ўринда халқлар бошига иқтисодий, жиҳмоний ва маънавий кулфат келтиришни ўзинга касб қилиб олганларни, ташқаридан туриб еш мустақил давлатлар ҳаётига раҳна солишга интилаётган эски тузум тарafdорларини назарда тутамиз. Уларнинг қай бирлари "Яшасин Совет Иттифоқи" деб қичқирмоқдалар, қай бирлари собиқ Россия империясини улғайтмоқдалар. Гоҳ у ер, гоҳ бу ерда наво кўтариб, бегуноҳларнинг қони тўкилишига сабабчи бўлмоқдалар. Вазиётдан фойдаланган бошқа бировлари эса аллақандай Евроосие иттифоқи туғаш тақлифини ўртага ташламоқдалар. Таъбир жуз бўлса, сиеат-чиликнинг эски арависига чиқиб олиб, салтанатчиликнинг янги қўшиғини айтмоқдалар. Уларнинг ошқора тақлифлари: худди илгаридек яна ягона чегара, ягона кўшн, ягона пул, ягона парламент, ягона паспорт, ягона фуқаролик, ягона гоа-мақсадлар бўлсин. Пинҳона мақсадлари: худди аввалдек маълум бир давлат, маълум бир халқнинг бошқалар устидан ҳукмронлигини таъминлаш, турли халқларни яна иккига бўлиб юбориб, миллий тараққиётни орқага суриш. Кўрдинтизми, сиеатбозлиқнинг, салтанатчиликнинг асл моҳияти нималардан иборат!

Хайриятки, энди у замонар ўтиб кетди, салтанатчилик заминда кўккарган мустақилликчилик дарахлари қуриб битди. Хайриятки, эндиликда ўзимиз танлаган сара уруғлардан ўзимиз эккан мустақиллик ниқоллари ўз диеримизда мустақкам илдиэ отди. Биз ўз меҳнатининг илк меваидариндан баҳраманд бўли бошладик: Ўзбекистон жаҳонга юз ўғарди, жаҳон ҳам Ўзбекистонни таний бошлади.

Бу йилги баҳорда биз яна пок ниятлар, эзгу орзулар билан иқтисод, сиеат, маданият ва маънавият боғларига сара кўчатлар ўтказдик, асл уруғлар қададик. Рамазон ҳайитининг, Наврўз байрамининг кенг нишонланishi, "Маънавият ва маърифат" жамоатчилик марказининг ташкил этилиши, алоҳида хизмат кўрсатган кишиларга мустақил мамлакатимизнинг илк олий нишони — "Соғлом авлод учун" орденининг топирилиши, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон Президентларининг Чўлпонотадаги ўзаро дўстона муносабатларини ва иқтисодий алоқаларни тагинда мустақамлашга доир учрашувлари, Хитой ва Франция каби буюк давлатлар раҳбарларининг диеримизга ташрифлари, бозор иқтисодиети шароитида ақолини ижтимоий муҳофазалашга, яна қанчадан-қанча соҳаларга тегишли қарор-фармонларнинг қабул қилиниши... буларнинг барча-барчаси Ўзбекистон жаҳоний ўзгаришлар юртига айланиб бораётганидан, ҳам ички, ҳам ташқи жаҳаларда ўктам сиеат тутатганидан далолат беради.

Шу жиҳатдан қараганда, гўзал май ойининг илк ҳафтаси ҳам жумҳуриятимиз ҳаётида муҳим воқеаларга бой бўлди. Чунончи, 5-6 май кунлари республика Олий Кенгашининг XV сессияси бўлиб ўтди. Унда жумҳуриятимиз Президентининг мамлакатимиз иқтисодий-сиесий, ижтимоий-маънавий ҳаётида амалга оширилаётган ишлар, келгуси вазифалар ҳақидаги маърузаси тингланди. "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини белгилаш ва олий нишон — "Олтин Юлдуз" медалини, шунингдек, "Мустақиллик" ва "Дўстлик" орденилари, "Жасорат" ва "Шуҳрат" медалларини таъсис этиш, Ўзбекистон Республикасининг Олий мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов, фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари, чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар фаолиятининг кафолатлари, банкротлик, қиёматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операциялардан олинладиган солиқ, Ўзбекистон Республикаси Жиноят ва жазо ҳамда Жиноят-процессуал кодекслари лойиҳалари, электр-ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий жиҳоси, икхиролик, фойдали моделлар ва сановат намуналари, фуқароларнинг муносабатлари ва бошқа масалалар ҳақидаги маърузалар муҳокама этилиб, муҳим қарор ва қонунлар қабул қилинди.

Анжуман қатнашчилари Президент Ислом Каримовнинг суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий

давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлиқни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссасини таъкидладилар. Меҳнат жамоалари, жамоат бирлашмалари, сайловчилар номидан бу борадаги матонати ва жасорати учун унга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш ҳамда олий нишон — "Олтин Юлдуз" медали билан тақдирлаш фикрини қўллаб-қувватладилар. Олий Кенгаш бу ҳақда қарор қабул қилди. Бу Президентимизнинг халқ таълимини ривожлантиришга, ушбу соҳа вакилларига кўрсатётган ғамхўрликларига ҳам берилган баҳодир. Шу ўринда бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоиз. Юртбошимиз ўз маърузасида навбатдаги вазифалар ҳақида гапирга туриб, жумладан, шундай деди: "Бизнинг асосий бойлигимиз, ривожланган давлат тузишга олиб бораётган йўлдаги асосий таянчимиз — инсондир. Юксак малакали ва юксак маънавиятли инсондир. Бу нараса, айниқса, еш авлодга тегишли. Келажаги буюк давлат, энг биринчи навбатда, бўлажак фуқароларининг маданияти, маълумоти ва маънавияти ҳақида ғамхўрлик қилмоғи зарур".

Шубҳасиз, еш авлоднинг ҳар томонлама қомил инсонлар қилиб тарбиялаш халқ таълимий тизими ходимлари зиммасига ҳам қатта масъулият қўйлади. Сессияда олға сурилган беқиёс инсоний аҳамиятта молик гоьлардан бири 1941-1945 йилларда фашизмга қарши урушда қатнашганларни ва мамлакат ичкарисиде ишлаганларни эъозлаш ҳақидаги фикр бўлди. Алқисса, 6 май кунги Президентимиз ўша йилларда жангтоҳларда қон кечган, фронт ортида матонат кўрсатган, уруш жабрини тортганларни Ғалаба кунининг байрам қилиниши ҳамда биринчи марта Ўзбекистон Республикасининг орден ва медаллари таъсис этилиши муносабати билан "Жасорат" ва "Шуҳрат" медаллари билан мукофотлаш ҳақидаги ҳужжатга имзо чеки. 9 май арафасида эса барча юртдошларимизга Ғалаба байрами муносабати билан қўтлов йўллади. Шу кунги Президентимиз бошчилигидаги жумҳурият раҳбарияти Мустақиллик майдонига, пойтахтимиздаги "Қардошлик мазори" ёдгорлик мажмуасида бўлган тантаналарда иштирок этди. Ғалабанинг 49 йиллиги жумҳуриятимиз бўйлаб кенг нишонланди.

Зеро, эл-юрт равнақининг биринчи шарт тинчлик ва осийишалиқдир. Тинчликни қадрлаган халқ эса асло қам бўлмайди. Бугунги кунда Ўзбекистон ана шу йўлдан бормоқда, жаҳоний ўзгаришларга асво солмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвонини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди: Суверен ва мустақил Ўзбекистонни барпо этиш, халқпарвар демократик ҳуқуқий давлат яратиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлиқни таъминлаш ишига қўшган улкан ҳиссаси ҳамда бу борада матонат ва жасорат кўрсатганини учун Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон — "Олтин юлдуз" медали топирилисин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 1994 йил 5 май

## • Фармон ва ижро БОЛАЛАР НОНУШТАСИ

Наманган шаҳридаги 7-мактабда Ўзбекистон Президентининг 1—5-синф ўқувчиларини бепул оёқталантириш хусусидаги фармонининг бажарилиши масалаларига бағишлаб, мактаб директорлари, бошланғич синф илмий бўлим мудирилар, мактаб ошхоналарининг бош ошпазлари семинари бўлиб ўтди. Илғилиш қатнашчилари дастлаб анжуманнинг амалий қисмини — 7-мактабдаги 1—5-синф ўқувчиларини бепул нонуштасининг тайиқ этилишини кузатдилар. Меҳмонлар мактабнинг 300 ўринлики шинам ошхонасида ўғил-қизларнинг тартибли оёқталантиришларини, таомномага бинам тайёрланган таомлар турларини, ўқувчиларга бунфтада сотиладиган қандолатчилик маҳсулотларини кўрдилар ҳамда мактабнинг бу ишга мутасадди кишилари билан ўзаро тажриба алмашдилар.

Амалий машғулотдан сўнг мактаб залида бўлиб ўтган илғи ишнинг шаҳар халқ таълимий бўлимининг мудири С.Турсунов кириш сўзи билан очди. Нотиқ бугунги кунда шаҳардаги 51 та мактабда қарийб 28 минг ўқувчи бепул нонушта қилиш имтиезидан фойдаланаётганлигини, Президент фармонининг бажарилишига барча мактабларда жиддий эътибор берилаётганлигини, шу йилнинг биринчи чорайдаёқ ўқувчилар учун бепул нонуштага шаҳар бюджетидан 132 миллион сўм-кўпондан ортиқ маблағ ажратилганлигини таъкидлаб ўтди.

Семинарда Наманган вилояти ҳокими муовини Б.Абдуғаниев, Наманган шаҳар ҳокимининг муовини Д.Зоҳидова, вилоят савдо-концерни раҳбари М.Болтабоев, талаба ва ўқувчилар ошхоналари трестининг раҳбари С.Шарипов, шаҳардаги 3-, 27-, 34-, 38-мактабларнинг директорлари, бир қатор мактабларнинг ошпазлари сўзга чиқдилар. Улар кейинги пайтда қўлгина қамчиликлар бартараф этилиб, мактаб ошхоналарини маҳсулотлар билан таъминлаш ахшиланганлигини, озиқ-овқат турлари қўлайлигини таъкидладилар. Шу билан бирга халқ қўлиничи лозим бўлган муаммолар ҳам борлиғи қайд этилди. Жумладан, мактаб ошхоналарида мебеллар, анжом ва жиҳозлар етишмаётди. Оталик ташкилотлари бундай анжомларни сотиб олиш учун шаҳар халқ таълимий бўлими ҳисоб рақамига пул ўтказишлари зарурлиги айтилди.

С.ХОЛИТОВА, Наманган шаҳар халқ таълимий бўлимининг ўсулятичиси.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ахбороти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг ахборотини тинглаб, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши шунки қайд этадики, Ўзбекистон мустақиллигини мустақамлашши, туб ижтимоий-иқтисодий ва демократик ўзгаришларни қўзғаб ишлаб чиқилган йўл изчилик билан ҳаётга таъбиқ этилмоқда.

Республикани сиефат жиҳатидан янги ҳолатга ўтказиш гоёси таъсири остида жамяят жишлашмоқда, мамлакат иқтисодиетини соғломлаштириш жараени кечмоқда. Ҳўжалик юриштишини янги усуллари қарор томоқда, бошқарувининг тақлиий тузишларини қайта қуриш давом этмоқда. Фаол тақси сиеат олиб боришмоқда, Ўзбекистоннинг халқроа обрў-эътибори мустақамлашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарор қилди: Республикада жамятини босқичма-босқич ислоҳ қилиш ҳамда ижтимоий йўналиштирилган бозор иқтисодиетига ўтиш юзасидан олиб борилаётган ишлар маъқуллансин, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг нутқида баен этилган қонунлар ва уқулалар қўллаб-қувватлансин ҳамда улар оғишмай амал қилиш ва ижро этиш учун қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри, 1994 йил 5 май

## МИСРЛИК ОЛИМЛАР ТАШРИФИ

Ўзбекистон билан Миср Араб Республикаси ўртасидаги маданият ҳамкорлиги ақллашувиго бинам ва Ўзбекистон ҳуқуматининг расмий тақлифига қўра, Мисрнинг "Айн шамс" университетини ректори доктор Абдуваҳоб Абдулҳафиз, проректор Али Раами, филология факультети декани доктор Али Сулаймон мамлакатимизга келди.

Мисрлик меҳмонлар Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири О. Салимов ҳузурда бўлидилар. Тошкент давлат университети, Шарқшунослик институти

раҳбарлари билан учрашдилар. Бу-хоро, Самарқанд ва Қашқадарга сафар мобайнида Бухоро ва Қарши университетлари ректорлари билан тақлифига бўлидилар, бошқа бир қанча илм даргоҳларини бориб кўрдилар.

Олий ўқув юртилари раҳбарлари билан учрашув чоғида илмий ҳамкорлиқни йўлга қўйиш, ўзаро талабалар айрибошлаш ва тажрибаларни бахам қилиш ҳақида битимлар имзоланди.

[ЎзА].

# ЙЎЛИМИЗ — МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ

## Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши XV сессиясида сўзлаган нутқи

Муҳтарам халқ ноиллари! Азиз дўстлар!

Диеримизнинг серфайз кўккам фаслида сизлар билан яна бир бор юз қўришганимиздан бағоят мамунман. Сизларни юртимиз истиқлолининг учинчи баҳори билан чин юракдан муборакбод этишга, барчангизга мустақкам соғлиқ, куч ва ғайрат, бахт ва саодат тилашга рухсат этгайсизлар.

Сўнги сессиядан бери тўрт ой ўтди. Шу вақт мобайнида мамлакат ҳаётида туз ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон ўз тараққиети ва истиқлолининг янги босқичига дадил қадамлар қўйди.

Бу йўлда ортирган оз бўлса-да, тажрибамиз шунки кўрсатадики, ҳаётимизнинг, иқтисодиетимизнинг ўзгаришлари, олға силжишлар ўз-ўзидан, бирданга бўлмас экан. Бу жараенинг пасту баланд ўринлари, машаққатли синовлари жуда кўп. Шу туфайли, танланган йўлни гоат пухта ва теран ўрганиш, ҳар бир ўтилаётган босқични — қўйган қадамларимизни англаш, онимизга синдириш, мақсад этан ва етиб бораётган маънисини аниқ тасаввур этиш, бу — барчамизнинг, машаққатли йўлга бел боғлаб чиққан инсонларнинг, аввало, фаолларимиз ва етакчи раҳбарларимизнинг муқаддас бурчидир.

Маъжозий маънода айтсак, ҳозирги бозор иқтисодиети — бамисоли бир денгиз, унинг тинч ва савез жойлари ҳам, чуқур, жўшқин мавжлари ва ғўртаналари ҳам бор.

Ҳаммаиз яқши англашимиз керак: шоша-пиша, маънисини билмай, юмўк кўз билан бу денгиз бўйлаб эркин сузиб бўлмайдди. Аввало, барча сузиб

ўтиладиган сарҳадни пухта аниқлаб, мустақкам кема танлаб ва ишончли қўмонда тузиб, уни нотинч уммонда сузишга ўргатиб, ана ундан кейин йўлга қўйиш керак. Бу шундай мураккаб ва қийин вазифа!

Ана шу хулосаларни ҳисобга олиб, биз мустақилликка эришганимиздан бери ўтган даврда иқтисодий ислохотларни ҳаётга таъбиқ қилиш учун назарий ва амалий дастакларни ишлаб чиқиб билан шуғулландик.

Бугун мамнуният билан таъкидлашимиз мумкин: гарчи бошда ким нима демасин, қанчалек сайрамасин, ҳаётимизнинг ўзи кейинги икки йилда биз тавлаган, ўзимизга хос ва мос йўлнинг тўғри ва асосли эканини исботлади. Собиқ иттифоқ ўрнида ташкил топган бир қанча давлатлардан фарқли ўлароқ, яратганга минг қатла шукрки, юртимиз тинч, халқимиз меҳнат қилиш банд, иқтисодиетимизда қатта ўнгирилишларга ва қўлашларга йўл қўйилди.

Бугунги кунда ҳамдўстлик мамлакатлари билан иқтисодий ва ҳўжалик алоқалари қанчалек мураккаб эканини яқши биласизлар. Шунга қарамасдан, мамлакатимиз иқтисодиетига ахвол барқарор бўлиб турибди. Сановат маҳсулотни янбар ойна нисбатан 23 фоиз, февралга нисбатан 20 фоиз кўйилди. Бюджетгаги қамомат ялпи ички маҳсулотнинг 4,8 фоизини ташкил этди, яъни чамаланган даражадан ҳам ороққ бўлди.

Сановатинг тармоқ тузишларида ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Енгил сановат ва озиқ-овқат сановати маҳсулотлари, ун, ерма ва омихта ем

ишлаб чиқариш кўпайди. Ун, нон, ўсимлик ёғи, маргарин ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш миқдори орди. Ниҳоят, илгари четдан олиб келинадиган кўпгина маҳсулотларни ўзимизда ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Самарқанд вилоятида тоза спирт чиқарадиган завод, Хоразм вилоятида қанд заводи қурилиши бошланди.

Электр энергияси, нефть ва газ қазиб олиш, нефтни қайта ишлаш, кўмир қончилиги соҳаларида ҳам маҳсулот ҳажми кўпайди. Бухорода нефть маҳсулотларини қайта ишлаш заводи қуриляпти. Юртимизда янги коммуникациялар — темир йўллар ўтказиш, янги қурилишлар, ер ўзлаштириш, ободончилик ишлари кенг миқёсда бораётди.

Агар соҳада ҳам ахвол емон эмас. Бу йил галларлар икки мартаба кўпайди. Экиш ишлари жалал суриятлар билан ўтказилди. Ҳаммаиз Оллоҳ таолодан, она табиатимиздан сурашимиз қўйиб, бу йил ҳам меҳнаткаш халқимизнинг насибасини мўл-қўл қилиб берсин!

Шу билан бирга, ўтган давр бизни кўп масалалар бўйича тажрибали қилди, кўзимиз очилди. Бугунги кунда ташқи ва ички сиеатимизни дадил ва бардам юриштишга астойдил бел боғлаб меҳнат қилётган халқимизнинг ўзи бизларга қатта мадал бағишляпти.

Хурматли дўстлар! Бугун иқтисодий ислохотнинг янги босқичи бошланди. Аввало, барча ижобий ўзгаришларни ҳам маънавий, ҳам моддий ҳаётимизга қуриш мумкин. Одамларнинг руҳияти, дунёқараши, мулкка ва меҳнатга муносабати ўзгаришти.

Билармонликка ва тadbиркорликка иқтисодий имтиезлар беради, пироваврида Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ва имкониятларини кескин қўлайтиради.

Шу билан бирга бу фармон миллий валюта обрўсини қўчайтиради, бир сўз билан айтганда эса, давлатимизнинг иқтисодий қудратини оширади.

Туртинчида, у қиян келажақда маъмурий-буйруқбозлик замонидан қолган барча тўсиқларни бартараф этади, шу баробар, иқтисодий ҳаётимизга эркинлик бахш этади. Хурматли ноиллар!

Ҳаёт ва тажриба шунки кўрсатадики, мулк эгали бўлмаган жойда илтиш, ташаббус ва илзаниш бўлмас экан. Биз бугун хусусий мулкчилик ривож учун яқши замин тайёрладик. Халол ва ташаббускор меҳнатга ҳуқуқий ва иқтисодий кафолат жуда зарур. Масаланинг яна бир томони шуки, хусусий мулк эгалари, яъни ўз мулкни ўзи тасаруф этадиган кишилар ижтимоий ва сиесий барқарорликдан ўта маънафатдор бўлиб, жамяят осийишларини учун зўр таянч сифатида хизмат қиладилар.

Эвкр этилган фармоннинг яна бир энг эътиборли жиҳати шуки, мамлакатимизда мулкчилик шаклини кескин ўзгаришти ва бу муҳим масалани ечин, жонлантириш, ниҳосига етказиш учун тегишли давлат бошқармаларининг таркиби ва низомлари ўзгарди.

Бугун бу масала билан шуғулланаётган вазирик фақатгина давлат мулкни хусусийлаштириш билан эмас, балки тadbиркор тоифаларга

иқтисодий имтиезлар беради, пироваврида Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти ва имкониятларини кескин қўлайтиради.

Шу билан бирга бу фармон миллий валюта обрўсини қўчайтиради, бир сўз билан айтганда эса, давлатимизнинг иқтисодий қудратини оширади.

Туртинчида, у қиян келажақда маъмурий-буйруқбозлик замонидан қолган барча тўсиқларни бартараф этади, шу баробар, иқтисодий ҳаётимизга эркинлик бахш этади. Хурматли ноиллар!

Ҳаёт ва тажриба шунки кўрсатадики, мулк эгали бўлмаган жойда илтиш, ташаббус ва илзаниш бўлмас экан. Биз бугун хусусий мулкчилик ривож учун яқши замин тайёрладик. Халол ва ташаббускор меҳнатга ҳуқуқий ва иқтисодий кафолат жуда зарур. Масаланинг яна бир томони шуки, хусусий мулк эгалари, яъни ўз мулкни ўзи тасаруф этадиган кишилар ижтимоий ва сиесий барқарорликдан ўта маънафатдор бўлиб, жамяят осийишларини учун зўр таянч сифатида хизмат қиладилар.

Эвкр этилган фармоннинг яна бир энг эътиборли жиҳати шуки, мамлакатимизда мулкчилик шаклини кескин ўзгаришти ва бу муҳим масалани ечин, жонлантириш, ниҳосига етказиш учун тегишли давлат бошқармаларининг таркиби ва низомлари ўзгарди.

Бугун бу масала билан шуғулланаётган вазирик фақатгина давлат мулкни хусусийлаштириш билан эмас, балки тadbиркор тоифаларга (Давоми 2-бетда).

# Йўлимиз — МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЙўЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

жидий ердан ва кумак бериш билан ҳам машғул бўлиши зарур.

Ушбу даврда асосий ишлаб чиқариш тармоқларида давлат концернлари фаолият кўрсатди. Бу ҳол, бир томондан, бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг кўпроқ ҳуқуқ ва имкониятларга эга бўлишини таъминлади. Шу билан бирга, аҳоли турмушини таъминловчи соҳаларни бошқариш ва уларнинг баътартиб иш юритишга имкон берди. Энди давлат концернлари, бирлашмалари ва йирик корхоналари очик турлати хиссдорлик жамиятларига айлантириш бошланди.

Хусусийлаштириш жараёни республикада қават қилинган дастур бўйича икки босқичда ўтказилди.

**Биринчи босқичда** давлат корхоналарини, ишлаб чиқариш бирлашмаларини ва етиқ турдаги хиссдорлик жамиятларини очик турдаги хиссдорлик жамиятларига айлантириш кўзда тутилди.

**Иккинчи босқичда** хиссдорлик жамиятларига айлантирилган давлат корхоналари акцияларининг тегишли қисмлари меҳнат жамоаларига, юридик ва жисмоний шахсларга, шу жумладан, чет эл фуқароларига сотилди.

Бу чора-тадбирлар ва қабул қилинган қонун ҳамда қарорлар иқтисодийликнинг сифат жиҳатидан янги босқичга кўтармоқда. Тovar ва хомаше сотувчи биржалар, кўчмас мулк ва қимматли қозғоворлар шаклланди.

Умуман, республика бўйича ҳозирга қадар 50 мингдан, шу жумладан, йилнинг дастлабки кварталда 800 дан ортиқ корхона хусусийлаштирилди. Урта ва йирик корхоналарни очик турдаги хиссдорлик жамиятларига айлантириш йўли билан уларни хусусийлаштириш бошланди.

Шуни айтиб ўтишни истардимки, республикада амалга оширилётган мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёни, ҳамдустликнинг бошқа мамлакатлардагидан фарқи Уларок, амалда ялли ишбиласлик олиб келаятгани йўқ. Айни замонда, бугунги кунда турли корхоналарда 30 мингдан ортиқ иш жойлари бундай эканлиги маълум.

Бунда тадбиркорлик фаолиятини, кичик ва ўртача корхоналарни, авваломбор — кишлоқ жойларда янада ривожлантириш катта аҳамият касб этди. Бугунги кунда кичик корхоналар сон 22 мингдан ошди. Вақолалик, йил бошда улар 18 мингта эди. Хусусий корхоналар сон икки мартабга кўпайиб, 11 мингтага етди. Янги бозор тузилмаларида баъд бўлган одамлар таъминан 400 минг кишига етди. Ишлаб чиқарилган миллий даромадининг учдан бир қисми давлатга қарши бўлмаган сектор улushiга тўғри келади. Бундай натижа бозор иқтисодидегига ўтишда катта қадамдир.

Ташқи иқтисодий алоқаларини қўлани ҳам кенгайтирилди ва тарихий ўзгармоқда. Бу йил экспорт қилиш 40 фоиздан ортиқ кўпайди. Сотилиш учун четта чиқариладиган моллар таркибига ҳам ижобий ўзгаришлар бор. Уттан йиллардагидан фарқи Уларок, машина ва ускуналарни импорт қилиш ҳажми 45 фоизга етди.

Хурматли дўстлар! Айни вақтда шуни алоҳида таъкидлашимиз зарурки, биз зарур озиқ-овқат маҳсулотларининг анча қисмини хозирча хориждан олиб келишга мажбурмиз. Аҳоли эҳтиёжини қондириш мақсадида 1994 йили **Ўзда бир миллиарддан ортиқ Америка доллари ажратилишига тўғри келади.**

Тасаввур этинг ҳам, қийин бўлган бу ракам Ўзбекистонда эндилик билан юриштирилган сеснатинг бошқа маъно ва хулосалари билан бир қаторда, тагин бир муҳим масаллага эътиборимизни жалб қилади. Яъни — жамиятнинг янгилашни биринчи навбатда кишлоқ ҳўжалигини бошлаш тўғри эканлиги исботланди. Агар биз мақсадимизга — фаровонликка эришмоқчи бўлсак, агар ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали халқимизни тўлиқ таъминламоқчи бўлсак, иқтисодий ислохотни энг аввало кишлоқдан бошлашимиз даркор.

Агар соҳада иқтисодий ислохотнинг энг биринчи, энг муҳим босқичи, бу — кишлоқ ҳўжалигини қайта қишлоқни ўзгартиришдир, фермерлик ҳаракатини оққа турғатиришдир. Хозир маълуматимизда таъминан 15 минг дехкон (фермер) ҳўжалиги ишлаб турибди. Бу эса бир йил олдингига нисбатан 5 мингга кўпдир. Уларга бериладиган ер майдони ҳам кичик баробар кўпайиб, 105 минг гектардан ошди.

Дехқонларимизнинг томоққа майдони ҳам кенгаймоқда. Чорвачилик фермалари хусусийлаштирилмоқда, давлат ҳўжалиқларининг шакли ўзгаририлмоқда. 1000 га яқин чорвачилик фермалари жамоа мулки қилиб берилади. Фермер ҳўжалиқларига ва кичик корхоналарга солинадиган солиқ икки хисса камайди.

Аҳолига уруғ, қўчат сотувчи, фермерларга хизмат кўрсатадиган 100 та дўкон очилди. Кишлоқда кичик ва кичик корхоналар сон кўпаймоқда, янгор тегишкорларини жорий этиш учун ва чет эллик техникалар билан ҳамкорлик қилиш учун ҳўкумат ис қенгаймоқда.

Ҳўжалиқларнинг иқтисодий аҳолининг яхиллаш мақсадида давлат бюджетларини йил сайин кискисиртиб боришмоқда. Пухта ва галлага давлат буюртмаси 75 фоизга, гўшт ва сутта — 50 фоизга камаятгани ҳамда кишлоқ ҳўжалиқ маҳсулотларининг бошқа барча турларига нисбатан батамом бекор қилиниши бозор иқтисодини чуқурлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Мен яна таскоран айтишмоқчиман: келажакнинг кўзайидиган ҳар бир давлат, биринчи навбатда, кишлоқ ҳўжалиги ишларига алоҳида эътибор беради, қўмақлашади, тўқсиларини бартарасб эйтишга ердан қилади, мольнавий, агротехник, ймий ва сервис соҳаларида қўмақини аямаяди. Шундангина кишлоқ ҳўжалиги билан баъд бўлган азаматлар нималарга қодир эканлини тўла кўрсатади.

Ана шу борада қийлаётган ишларимизда жулда кўп қамчиллик мавжуд.

Қонулар, фармон ва қарорлар бор, етарли ҳўкуқ ва имкониятлар бериладган. Лекин шу қарорларни бажариш, фаолиятимизда пировард натижаларга эришиш, эски қотиб қолган бошқарув усулларидан воз кечиш — кўп жойларда муаммо бўлиб турибди.

Халқимизда бир макол бор: "Минг ишчига — бир бошчи". Бундан шундай хулоса чиқадикки, агар секторимизда ҳам самардорликка эришмоқ учун, биринчи навбатда, ҳар поғонага раҳбарни тўғри таллаш, иш тизимини оқилона ташкил этиш керак.

Бугунги иқтисодий ислохотларимизнинг пировард натижалари раҳбар ҳодимларнинг илванувчанлиги ва тадбирдорлигига, поклиги ва қатъиятини кўп жиҳатдан боғлиқдир. Буни ҳеч қим инкор қилолмайлик.

Бугун шундай атом келдикки, мана шу муаммони есимасдан, етук раҳбарларга, еш ва иқтисодий тадбирдорларга ва мутахасссларга кенг йўл очиб бериладган, уларга таъминладган турли асло ола юрмаларига. Бу ҳаммамизга маълум ва равшан бўлиши керак.

Кишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ишиси одамларни тўла еки қисман ишлаб чиқариш тармоқларига жалб этиш, уларни иқтисодий ҳимоялаш доимо диққат-эътиборимизда бўлиши лозим. Саноят ва хизмат кўрсатувчи корхоналарини қишлоқ жойларига кўчириш, кичик ва илҳамгина тижорат шохобаларни қуриш даркор. Бизда тоза сув, исиллик ва электр қуввати билан таъминланган, темир йўл ва автомобиль йўлларида узокда жойлашган, коммуналхўжалиқлар ва қўлайликлар етишмаётган айрим қишлоқлар бор. Яна бир бор мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг эътиборини шунга жалб этмоқчиман. Ана шундай қишлоқ жойларини обод этиш учун давлат марказлашган фонддан ва ҳокимиятлар имкониятларидан маблағ ажратмоғи керак.

Мен бу муаммолар ҳақида кўп гапирман. Аммо яна, бир бор гапириб ва талаб қилишим, шу савоб ишни охирига етказишни бурчим деб ҳисоблайман. Чунки бу ерда гап ақсарияти кишлоқ жойларда яшаётган халқимизнинг тақдир, келажаги ва фаровонлиги, жамиятимизнинг истиқбол ҳақида келтири.

Биз хозир Ватанимизнинг кўч-қудратини ошириш, ҳар бир оиланинг турмуш тарзини ўзгартириш ва юксак даражада кўтариш, фарзандларимизга бахтли келажак яратиш ҳаракатимизни қисқача айтганда, мустақиллик бизга иқтисодийликни яхшилаш, шу муқаллас заминда яшовчи ҳар бир оила ва ҳар бир инсоннинг фаровонлигини ошириш учун хизмат қиломоқда.

Мухтарам дўстлар! Бизнинг ола юриш қийлаётган бугунги саъй-ҳаракатларимиз муҳим бир масаллага тақабил турибди.

Мана, ярим йилдирки, сўм-купонимиз муомаллада. Бу, очик тан олиш керак, кўп жиҳатдан мажбурий чора эди. Мен миллий валютани жорий этиш ишқилоб билан, деган иборани ишлатган эдим. Ҳақиқатан ҳам, бу — шоянқалликни қуш кўрмайдиган гўт мураккаб жараён бўлиб, узок ва пухта тайёргарликни талаб этди. Айрим қишлоқ, муваққат валюта шартини, бирданги доимий валютага ўтган маълум эди, деб юрганини биламиз. Аммо бу масаллада ҳам ўттиз дарга бўлмоғи фойдалан холи эмас. Негаки, биз сўм-купон орқали миллий пул бирлигини жорий этиш стратегияси ва механизмининг ўрганиди. Сўм-купон орқали инфляцияга қарши чоралар ишлаб чиқилмоқда ва синаб қўриломоқда. Сўм-купон орқали ўзаро ҳисоб-китоблар механизми тайёрланмоқда ва жаҳон валюталари билан муомаллада пулнингизини қуви, қадри ва ҳарид қуввати аниқланмоқда.

Албатта, ҳамдустлик мамлакатларининг миллий валюталари, шу жумладан, Россия рубли каби сўм-купон ҳам инфляция жараёнини бошдан кечирмоқда. Биз нарх ошаётгани аҳоли елқасига оғир қол бўлиб тўшаётганини биламиз ва бу юқни енгиллаштириш чораларини қўришимиз.

Муаммони узиш-кесил ҳал этиш йўли — инфляцияга қарши чек қўйиш, яхлит ва тасирчан дастур ишлаб чиқиш ва амалга оширишдан иборат. Шу мақсадда сўнгги пайтда сўм-купоннинг қувватини мустақкамлаш, уни товар ва олтин-валюта захирачлари билан таъминлаш чоралари қўриди. Валюта биржасида дастлабки саволар бўлиб ўтди. Улар сўм-купоннинг курси доллар ва бошқа "қаттиқ" ва "юмшоқ" валюталарга нисбатан анча барқарор эканлиги кўрсатди.

Миллий валютага ўтиш ва бугунги молиявий сеснатини юриштишда биз жаҳондаги обрўли, етакчи халқро ташқилолтар билан бамасхалат иш олиб боришимиз. Инфляциянинг олдини олиш учун молия-кредит ва пул сеснатини қаттиқ ушлаш, иқтисодийликни яхшилаш айрим умуманосибиларини бартарасб этиш, умуман, ҳарajatларни қамайтириш тадбирлари шулар жумласидандир.

Мухтарам халқ депутатлари! Барча фуқароларини, фаолларимизни қизиқтираётган муҳим муаммолардан бири — Ўзбекистон давлатининг миллий валютасини муомаллага қиритиш, уни жорий этиш тартибидир. Ҳаммамизга маълум: миллий валюта — мустақил, эркин давлатнинг асосий белгиларидан биридир. Мустақил давлатнинг валютаси ҳам, марказий банки ҳам, молия ишлари ҳам мустақил бўлиши шарт.

Молия-кредит сеснати, яъни бозорни нақд пул билан таъминлаш, пул чиқариш миждори, унинг ҳарид қилиш, келажак истиқболлиги учун сармоа ажратиш, қимга қарз бериш ва қимдан қарз олиш, қарзини тўлаш ва ўқидириб олиш муддатлари, фойз ставкалари ва шунга дахли бор масалалар, буларнинг барчаси — ҳам ташқи ва ҳам ички иқтисодийнинг асосий омилларидир.

Лунда қилиб айтганда, ана шу ҳўкуклардан ва имкониятлардан жуло бўлган давлат ҳеч қачон ўзини мустақил деб ҳисоблаши мумкин эмас ва уни ҳеч қим мустақил деб тан олмайдик.

Мен нима учун бу масалаларга алоҳида диққатимизни жалб этишман?

**Барчамизга аён бўлиши керак:** қайси давлатки ўз миллий валютасига эга бўлолмас, ўз манфатини қўлаб мустақил равишда молия-кредит, банк сеснатини аниқ юргюзолмас, ў давлат ҳеч қачон ўз тақдирини, ташқилолтар, ҳўжалиқлар ва инсонлар тақдирини белгилай олмайди ва пировардида бошқа қучли давлатлар, қўрсатмаларига муте бўлиб қолади, оқибатда мустақиллигидан муқаррар тарзда жуло бўлади.

Шу хулосани айтмоқчи бўлсам, бир фикрини янги аниқлашимиз керак: моёмонки биз мустақил давлат қурмоқчи эканмиз, ўз келажакимизни ўзимиз тузумоқчи эканмиз, бунинг асл пелдөөври — миллий валютадир.

Шуни яна бир қарра тақорралаб айтиш ва онгимизга синдириш зарурки, миллий валюта — биз учун олий мақсаддир. Бу ва валюта ўзини мустақам тутган, бошқа валюталар, авваломбор, қучли валюталар орасида обрўли ва қадри баъалд пуллик бўлмоғи даркор.

Шу билан бирга, аниқ билмоқ керакки, бу олий мақсадга эришиш — бир қучиқ вазифа эмас, албатта. Дуне тажрибасини кўп олдимизга келтирсак, бунга эришмоқ учун давлатлар жулда узок ва машаққатли йўллارни босиб ўтган ҳамда бор қудратини сафарбор этган.

Азиз дўстлар! Бир нарсатга эътибор берсак, бугунги вазиятни кўз ўнгимизга келтирсак, тагин бир савол туғилади: нима учун Россия рублига эътиже катта ю, ўзимизнинг сўм-купонига эътибор паст? Бунинг асл сабаб ва омиллари нималардан иборат?

Сабаб шунки, бизнинг минтақамиз, жулмалдан, Ўзбекистон ҳам, асосан хомаше ҳудудни сифатида ҳар томонлама собиқ марказга боғлаб қўйилган эди. Бу жулда пухта ўйлаб ва ҳар томонлама ҳисоб-китоб қилиб юриятган жулда кўп йиллар давомида уюштирилган сеснатидир.

Тайер маҳсулотларга, шу жумладан, озиқ-овқат молларига бўлган эҳтиёжимизни қондиришда ҳам, ишлаб турган ва янги қурилатган заводу фабрикаларни дастхотлар ва ускуналар билан жиҳозлашда ҳам собиқ марказга қарам эдик. Биз шундай кўп кечиршига мажбур эдик. Негаки, республикамизга мол олиб келиш ва олиб чиқиш йўллари ҳам, коммуналхўжалиқ қуриш сеснати ҳам худди шу мақсадга мустақиллаштириб қўйилган эди. Буни қўчқилиқ бугун аниқлаб етди.

Хўш, биз эски тузумдан қолган бу "мерос"дан қандай қутулишимиз, мушқулларимизни қандай енгиллаштиришимиз мумкин?

Аваломбор, истиклол йўлида чинакам иқтисодий мустақилликка эришишимиз лозим. Жаҳоннинг энг йирик ва қудратли давлатлари билан алоқаларимизни мустақамлашимиз керак.

Ички бозоримизни халқ истеъмол моллари билан тўлдиршимиз ва шу молларни ишлаб чиқарувчи корхоналар салохиятини қучайтиришимиз ва қўлайтиришимиз зарур.

Ишлаб чиқариладиган молларимиз сифатли ва рақобатга бардошли бўлиши керак. Молларимизни, энг аввало, ташқи бозорда, айниқса кенг жаҳон бозорига қанчалик кўп сотиб олишга иштишасиз ва эҳтиже билдиришасиз оқибатда мамлакатимизга шунча кўп чет эл валютаси кириб келади ва шу баробари миллий валютанингиз ҳам кучи ошади.

Бу фикрларни олдиб бир нисол билан изоҳлаш мумкин. Бугунги кунда турли бозорларда бизнинг сўм-купонини рублга алмаштиришга нисбат паст бўлишининг сабаби нима? Биринчи навбатда, бунинг сабабини одамларимизда Россия рублига эҳтиже катта бўлганини рублга четдан авваломбор керакли мол, ускуна ва жиҳоз олиб келиш имкони ва зарурати билан тушутириш мумкин.

Хулоса шундай: қачонки, Россиядан мол келтиришга эҳтиёжимиз қамайса, еки, бошқа етганда, шу молларнинг энг керакли турларини, етарли даражада, ички бозоримизда ҳам мутабе олиш, яъни сановатимиз имкониятини қенгайтиб, ўзша молларни ўзимиз ишлаб чиқарсак ва четга, керак бўлса, ўз-ўзидан ечишимиз мумкин.

Бугунги кунда эса мавжуд қийинчиликларни енгил учун давлатимиз ўз захираларидаги маблағини рублга алмаштириш йўли билан корхона ва ҳўжалиқларининг талабларини бажар келтиришга ҳаракат қиломоқда.

Хурматли халқ депутатлари! Энди икки оғиз гап янги валюта жорий қилиш муҳлати ва унинг услублари ҳақида.

Очиқ айтиш керак: бугунги кунда миллий валютанимиз чоп қилинмапти. Қоғоз пул билан бир қаторда металл тейнлар ҳам зарб этилган. Бу йирик тадбирнинг ҳамма томони ҳисоб-китоб қилинган ва, насиб этса, тайёргарлик ишлари шу йилнинг биринчи ярмида туғуламан.

Муваққат валюта ўз заминимизда қўлайлаштирилган ва ўзимизда чоп этилганини хисобга олсак, уни янги, замонавий, беқисс даражада қиройли миллий валютанимизга алмаштиришда — ишонтириб айтишимиз керак — катта муаммолар бўлмайди.

Тегишли курс ва нисбат билан бугунги сўм-купонлар эндиликда қачонки миллий валютанимизга бемалол алмаштирилган. Уйлаймизки, бу талани яна жағмарга банклар орқали амалга оширилади. Чунки бу тажриба 1993 йил ноябрь ойида ўзини оқлаган эди. Фикримизча, бу нарсаси одамларимизга ҳам маъқул бўлади.

Азиз юртдашлар! Жамоат фикрини ўрганиш шунини кўрсатдики, мамлакат аҳолисининг қўчқилиқ қисми янги ислохотларни қўлаб-қувватламоқда. Бизнинг асосий таъянчимиз муваффақиятларимиз гарови — ана шу юксак ишонч.

Ислохотлар ривожга халқ ўз тақдирини ишониб топширган раҳбарларга ҳам боғлиқ. Биз жамиятнинг қонун асосида ва қонун ердамида бошқаришга аҳд қилган эканмиз, ислохот қисматини айрим расмиятчилар қўлига топшириб қўймаслигимиз зарур.

Баъзида шундай бўладики, қонун асосида қабул этилган жорий ҳўжатлар қонуннинг ўзидан ҳам қучлироқ бўлишга интилади. Бундай зарарли тажрибадан воз кечиш шарт. Қонун эътиборли таъмин этилса, ҳўкуқий маданият тезроқ юксалса, жамиятнинг раванки ҳам шунчалик тезлашади.

Жинойятчиликка қарши қаттиқ кураш натижасида шу йилнинг уч ойида ҳўкуқини бунга ҳўдаларининг умумий сонини учдан бирига, қотиллик ва талоччилик каби оғир жинойт турлари деярли қисм мартабга қамайди. Аммо фойса қамайгани жинойятчилик бугунги йўқолиб кетди, дегани эмас.

Демократик давлат ўз фуқароларига тиқ яшаш ва меҳнат қилиш имконини тўла таъминлаб бермоғи керак. Лекин айни замонда, жинойятчиликка қарши кураш шунчалик қампанятия айланиб кетмаслиги лозим. Бу иш — давлат сеснатини асосий тамойилларидан бири бўлмоғи зарур.

Аммо, илгари ҳам таъкид этилгандек, жинойтнинг епик ва энг қабих тури бор. Бу — коррупция ва порухўрлик. Жинойтнинг бу тури бошқарув аппаратини издан чиқаришга қолмай, бозор асосларини ҳам барқоб этиши мумкин.

Бюрократик қимса ҳадик еки масъулятсизлик туғайли жараёни секиллаштириб қўйса, порухўр қўнчиқа қўра-била туриб, ўз манфатини ўйлаб, давлат ва халқ манфатларига зид қарорларни қабул қилади.

Шу муносабат билан, мен тадбиркор ва ишбилармонларнинг ўзларига ҳам муружат қилиш зарур, деб ўйлайман. Порухўрлик, қонунни четлаб ўтиб қачовчилик қилиш, энг аввало, тижорат аҳлининг ўзини обрўсуллангарида, аҳолининг қарингига дучор етлади. Шу сабабли, бозор муносабатларининг вичқоли ва софидла тардорларини турли ўғри ва мутахамларга ўз ораларидан ўрни бермасликлар керак.

Хурматли халқ депутатлари! Азиз дўстлар! Бизнинг буюк ўтмишимиз бор. Миллий маданиятимиз жаҳон цивилизациясининг энг еркин саҳифаларидан жой олган. Утмишимиз неча ўн йиллар мобайнида ҳўрлалиб, қамситиб келинди. Ниҳоят, эшиқ қучени чиқиб, миллий қадриятимизни тиклаш йўлига ўтдик.

Ўзбекистоннинг буюк келажаги ҳақида жулда кўп гапирилган. Бу ҳам тўғри. Негаки, факат ўтмишини эслаш ва ўтмиш билан фахрланишнинг ўзи натижа бермайди. Мақсадни тўла аниқлаш, истиқболни қўрмай, яшаб ҳам, ишлаб ҳам бўлмайди. Янги давлат буюси қурилар экан, унинг ҳар бир жиҳатини пухта режалаштириш зарур.

Дўстлар! Бир нарсатга эътиборингизни тортомқиман. Айрим шахслар ўтмиш ва келажак ҳақидаги қиройли сўзларга махлиб бўлиб, бугунги кунни, бугун яшаётган қишлоқларнинг, фарзандларимизнинг, ешларимизнинг маънавий ва ахлоқий жиҳатларини унутиб қўймаймизми?

Келажак ўз-ўзидан келмайди. У бугунги машаққатли меҳнат билан яратилади. Бугун яратган нарсамиз келажакка ҳам ўтади. Агар бугун шошибди ниманидир унутсак, келажак авлодлар ўша нарсалардан маҳрум бўлади.

Жиянат маданиятсиз, маънавий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмайди. Уларни пинсад қилмаган жиянат пировард-оқибатда таназзулга юз тутди. Афуски, шу олди ҳақиқатини айрим раҳбарларимиз, тадбиркор ва ишбилармонларимиз етарли даражада тушуниб олмаганга ўхшайди. Баъзи жойлардаги мактабларга, болалар боғчаларига, қасалхона, қутубхона ва музейларга бир назар солинг. Улар анча ноқор аҳволда. Давлат қўлидан қелганча

ердан беришти, лекин бу ҳали озлик қилади. Бунинг устига, айрим қорхона раҳбарлари турли баҳоналарни рўқас қилиб, қорхоналарга қарашли ижтимоий муассасалардан қутулишга уринмоқдалар.

Хурматли халқ ноилари! Шу ўринда ҳақиқ бир савол туғулади: хўш, вилдат ва туман ҳокимларининг асосий вазифаси нималардан иборат? Биз уларнинг қўлини ҳўжалиқ ишларидан ача бўшатиб қўйдик. Бу ишларни жойлардаги қорхона ва ҳўжалиқ раҳбарлари, мутахасссларнинг ўзлари хал қилсин. Уларга етарли эркинлик берилиши лозим.

Ҳокимларнинг бурчи — халқ тақдирини ўйлаш, майда-чўйда ташвишларга ўралашиб қолмасдан, энг йирик вазифаларни халқ этиш, маданият ва маърифий ишларга тўғри йўналиш бериш. Ҳокимлар одамларнинг ташвишларидан, юмушларидан ҳабардор бўлиб, ўзаро бирлаштириб, руҳларини қўтариб, зарур шарт-шароитлар ва маънавий иқлим яратиб, олдимизда турган мақсадлар ижросига сафарбар этишлари лозим.

Албатта, турли ҳўжалиқларга бориб кўрсатмалар бериш осон. Вилдат, туман ва кишлоқларнинг истиқболни қўра билиш эса, гўят мураккаб ишдир.

Жойларда йўл қўйилган қамчиликларни, беғаровлик ва лоқайлик ҳолатларини қўриб, раҳбарлардан малавувчанлик ва тадбиркорликни талаб этишга тўғри келади. Лекин бу талабларнинг бажарилиши амалда қўришмас, оғирроқ қарорларни қабул қилишга мажбуримиз.

Мен бугун шу миёндаги ҳокимларимизга яна бир марта муружат қилиб, шу гаплардан тегишли хулоса чиқаришни сўрайман. Тақорралаб айтмак: биз қим нима қилишимиз узиш-кесил аниқлаб олдик. Ҳўжалиқ раҳбари ўз ишини қилади, қурувчи — ўз ишини! Дехқон ҳам ўз ишини ўзи элиди. Эзиеланинг ҳам бу бурчи ва ўз юмушини бор. Хулоса шунки, ишнини билиб қийлаётган одамларга ҳалақат бермаслик керак.

Менинг бу масалда қўйиб-пишиб таъиратганимиз боиси нимада? Хозир ҳам сесий, ҳам иқтисодий ва ҳам маънавий соҳаларда олиб бораётган сеснатимизнинг тақдирини бир нарсатга — жойлардаги раҳбарларнинг масъулятига, ўз ишнини билиб бажаришига боғлиқ бўлиб қолган.

Халқ ва мамлакат раҳбарияти ишонч билдирган қишлоқ ўз вазифасини пухта ва ҳалол бажарса бас, бугунги мушқуллотлар ўз-ўзидан ечилади. Бунинг учун ҳокимлар маънавий йўғок бўлишлари керак.

Чет эл зериати билан боғлиқ давлат ишларини сарамжом этиб, кейинги ойларида вилдат ва туманларга бориб, маҳаллий ҳокимларнинг иши билан албатта қийнлан танишамиз.

Албатта, уларнинг ҳар бири билан бағрижа гаплашамиз, қани, оғайни, бир чекдан гапирганич, нима ишлар қилинган? Халқнинг қўнчилиги тондигини? Одамлар ишнингиздан рўзимиз? Ободончилик қандай? Ижтимоий ва маданият соҳалар қандай? Норозлиқ йўқми?

Қуруқ баянларозов гаплар билан қутулиб кетишни ўйлаганлар ҳато қилади. Аслида туман еки қишлоқ марказини бир сидра айланб қилиб бас, бугун аҳвол аён бўлади-қолади. Ҳақиқий ҳолатни билиш учун текширишлар, тафтишлар, терговлар ўтказишнинг ҳеч ҳожати йўқ.

Ҳокимларимиз орасида ҳалол ва пок инсонлар кўп. Афуски, баъзида уларда ташаббускорлик етширмайди. Инсон илванувчан бўлиши керак. Вақтин аямасдан, халқ орасида бўлиб, унинг ташвишини билиб, мавжуд муаммоларини ечиш йўлини ахтариш лозим. Билиб қўйилган, қимдир

Тўнғичлик юки

“Фарзандингиз “кимлигини” тугилган куниданоқ сизга маълум қилиб қўяди. Қани, унга қўйлачка кийдиришга уриниб кўринг-чи, кўларини кўксига қаттиқ босиб олади. Бир амалда уни кийдиришга ҳам дейлик, лекин бу хали ҳаммаси эмас. Хозирча саврингиз кулиб турган бўлса-да, бирданга шундай аҳолиноқ бўлади, йнги овози нафақат сизни, балки қўлингизнинг ҳам тилчини сузиши ҳеч гапмас. Сиз унинг хоҳиш-иродасига қарши бирон иш қилмоқчи бўлсангиз, доимо шу хол тақорланган. Буни энхор қайсарликка йўймаслик керак, чунки, улар тугма кучли бўлганлиги боис қаршилик сезилари бўлади”. Бу тавсиф “Тақдир юлдузлари” рисоласидан олинди. Негаки, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган инсон айнан савр ойда дунга келган.

— Тўнғич ўғлим Мусулмонжон тугилганда кўпчилик фарзандининг лешонаси кенг, насиб бўлса, зўр одам бўлади, дейишарди, — дея эслади Жумагул момо. — Бу гаплардан кўнглим бирда тоғдай кўтарилса, бирда талвасага тушарди. Шунинг учун ўғлим улгайиб, мактабга боргунча бўйнидан туморини ечмаганман. Шукрим, хозир саксондаман. Отаси раҳматли вафот этганида Мусулмонжон 36 ёшда эди. Уларни бошини бир қилиш, аз олдиндан ўттишдек мушкулликларнинг барчаси унинг зиммасида қолди.

Ха, оилада тўнғич бўлишнинг ҳам ўзига яраша амали (юки) бор. Айниқса, тақдир эзугин Мусулмон аканикидек бўлган ҳолларда ортиндан келатганларга намуна бўлиш, уларнинг ҳар бирини бир оилага бек еки бека қилиш ташвиши нечоғли мураккаб. Мана, ўн йилдирки, М.Норматов шу каби юмушлар баробарида Нуробод туманидаги икки минг нафардан ошқ маорифчиларга ҳам йўлбошчилик қилиб келмоқда.

Мусулмон Норматовнинг бу лавозимга келиши омонат жамиятнинг инқирозга юз тутиши, унинг ўрнини янгича тоғлар муносабатларга асосланган тизим эгаллаб бошлаган бир даврга тўғри келди. Турган гапки, бундай паллада бўлаётган ўзарошарлик, воқеа-ҳодисаларга муносабатда раҳбар қилиш ўта фаҳм-фаросатли, сезгир ва уддалабор бўлиши керак. Акс ҳолда, доғда қолиши ҳеч гап эмас.

Тумандан мактабларнинг кўпчилиги кишлоқларда жойлашган. М.Норматов ишни уларнинг аҳолини яхшилашдан бошлади. Бир вақтларда чил-қойдан қурилган, эндиликда ўқиб ва ўқитишга яроқсиз ҳолга келиб қолган мактаблар кўп эди. Жойларга раҳбарларнинг эътиборини бу муаммога қаратиш ташаббусини М.Норматов ўз зиммасига олди. У керакли шарт-шароитни юзага келтирмай туриб, ўқитувчилар таъбибга, ўқувчилар эса билим талаб этиши мумкин эмаслигини ташвиб этди. Утган ўн йил мобайнида 8514 ўрилди 27 та янги мактаб биноси, 38 та мактаб енига 7560 ўрилди 252 та қўшимча синфхоналар қурилиб, ишга туширилди. Бу ишлар давлат мабғали, оталиқ ташқилотлари ёрдами ҳамда ўқитувчи ва ота-оналарнинг саъй-харакатлари эвазига амалга оширилди. Шунингдек, илм масканларини ичмлик суви билан таъминлаш, электрлаштириш, газлаштириш ишлари ҳам жадаллик билан олиб борилди. Биз барча ишларни ёлғиз Мусулмон аканинг ўзи уддаллади, дейишдан йироқмиш. Шунчаки, бола йилгама, она кўкрак тутмайди, деган мақолнинг қанчалик донолик-ла айтилганлигини яна бир бор эслатмоқчимиз, ҳолос.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинган, жойларда янги турдаги мактаблар ташкил этила бошланди. Лицейлар, гимназиялар очилди. Улар ўқитиш ишларини жонлантириш, хозирги жаҳон стандартларига тўғри келадиган илми ешларни етиштириши ўз олдларига максал қилиб қўйди. Нуробод туманида ҳам бу борада бир талай ишлар амалга оширилди. Мактаблардаги қурилиш-таъмирлаш ишлари саранжомланган, уларнинг моддий захирасини бойитиш тарафиди бошланди. 8 та мактабда ЭХМ хоналари замонавий компьютерлар билан жиҳозланди. Илм масканларида айрим-айрим чукур ўргатиладиган синфлар очилди. Иқтидорли болалардан ташкил топган гуруҳда эса Самарқанд давлат университети ўқитувчилари сабоқ беришмоқда. Утган йили туман мактабларини битирганларнинг 50 фоизи хозирда олий ва ўрта махсус билим юрлариди тахсил олшмоқда.

Мусулмон аканинг Норой опа билан юлдузи-юлдузига тўғри келиб, бир-бирининг кўнчию ташвишларига шерик бўлиб яшаб келатганига чорак асрдан ошди. Орада 6 фарзанд дунга келди. Барчаси ҳаётда ўз ўрнини топиб олган. Айни кунларда улар оталарининг кутлуг 60 йиллик тўйини нишонлаш тарафидидалар.

Абдусамат РАҲИМ.

Ташкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 28-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, ёш мутахассис Ҳабиба Мўминова ўзининг ҳаракатчанлиги билан ота-оналар ҳамда мактаб жамоаси эътиборига тушди. У бунга мураббий ўқувчиларнинг иш услубини муттасил ўрганиш орқали эришди.

Суратда: Х. Мўминова ўқувчилари билан биргаликда ясаган кўртзамали кўроларнинг намойиш кияляпти. Х. МИРЗАКАРИМОВ олган сурат.

бермоқда. Тест усулнинг қўлланилиши республикамизда таълим сифатини янада тақомиллаштиришга олиб келаятганлиги шубҳасиз. Масаланинг ана шу жиҳатларини эътиборга олиб, ўрта мактабларнинг битирувчи синф ўқувчиларини тайёрлаш максалида Ўзбекистон Халқ таълими вазирилик томонидан махсус йўриқлар ишлаб чиқилди, мактаб ўқитувчилари учун қисқа муддатли малака ошириш курслари ташкил этилди, вилоят, туман ва шаҳар миқёсида улар учун доимий семинарлар ўтказилмоқда. Шунингдек, бу борада муҳим қўлланмалар ҳам чоп этилиб, жойларга юборилди.

Умуман, қилинаётган ишлар, ўтказилаётган тажрибалар натижаси шунини кўрсатмоқдаки, тест топшириқлари ўқувчиларнинг билим ва савияси, муҳими, иқтидорини аниқлашда кўп жиҳатдан қулай усул. Илм-мазрифат бобида, алоқат тошу тарозуси



Таълим ва ислоҳот

Янгиликларнинг масъулияти

сифатида тест синовларига таяниш шу куннинг асосий талабига айланаётди. Бу эса Республика халқ таълими тизимлари учун тест топшириқларини тузиш ва амалда қўллашга, нисбатан жаҳон тажрибали ҳамда маҳаллий шартноларни ҳисобга олган ҳолда муайян давлат стандарти ишлаб чиқиш имконини яратди. Ана шу ҳусусда ҳам вазирилик ўрта махсус педагогика ўқув юрларига мутахассислар тайёрлаш сифатини янада яхшилаш максалида бир қатор тадбирларни амалга оширди. Масалан, ўтган ўқув йилида Ташкент шаҳар ўрта махсус педагогика билим юрларига ўқувчилар қабули тажриба тариқасида ЭХМ раи востисидида тест-синов усулида ўтказилди.

Тест-синов топшириқларини фанлардан амалда қўлланилаётган мактаб дастурларига мос равишда Ташкент шаҳар ва Ташкент вилояти Кириб турган мактабларнинг илм ўқитувчилари ишлаб чиқилди. Бу тест-синов топшириқларини мавзулари ва фан дастурлари олдиндан ўқишга кирувчилар учун эълон қилиб қўйилди.

Кези келганда шу нарсани алоҳида таъкидлаш жоизки, марказлашган бир тизимдаги таълим йўналишидан чиқиб кетганлигимиз, ўқитувчиларимиз орасида “Амонашвил”ларимиз, “Макаренко”ларимиз борилигини кўрсатмоқда. Бу эса мустақиллик келтирган улуг неъматнинг шарофатидир. Ана шундай вазиятда,

луксиз педагогик таълим боғийлари, уни амалга ошириш босқичлари (қасб тайёргилингича, таънқ қасбий таълим, қасбий тақомиллаштириш) ўз аксини топти. Илгарилар педагог меҳнати, унинг қадр-қиммати қисман бўлса-да, четга суриб қўйилганлиги тўғрисида кўп таъбибуслор, тажрибали, ишбилармон ва яратувчи муаллимларимиз ўз касбидан кўнгли узаганиликлар кен қимга сир эмас. Аммо мустақилликка эришган, Республика Президентини Ислоҳ Каримовнинг ташаббуси билан биринчи гада педагогларнинг ижтимоий, ҳам маънавий ва иқтисодий шартноларини яхшилашга қаратилган қатор фармонлар юзага келдики, бу эса илгор ва ташаббускор педагогларимизни қайта шаклланишига, янгича тафаккур асосида ешлар таълим-тарбиясига масъулият билан ишлашга даъват этди. Ана шундан келиб чиқиб, эндиликда илмий-таълим муаммолари бўйича ҳунар таълими илмий-таълим институтларида махсус ихтисослашган кенгашир фаолият кўрсатаётганлиги айтиш мумкин бўлди. Айни пайтда эса, фан номзодлиги илмий даражаси олиш учун ҳимоялар бошланди. Шунингдек, Навоий номи Ташкент давлат педагогика институтиди битта докторлик, иккита фан номзодлиги илмий даражаси берадиган махсус ихтисослашган кенгаш ҳам мавжуддир.

Таълим тамойилларини янада яхшилашнинг яна бир

Сўз — олий нишон соҳибларига! ИШОНЧ УЧУН ТАШАККУР!

Араб ҲАМДАМОВ, Нишон туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси:

Озид Ватанимизнинг энг биринчи олий нишони — “Соғлом авлод учун” ордени билан тақдирланган меҳке оддий бир маорифчи учун катта шарафдир. Аввало, бу юксак мукофотнинг таъсис этилиши мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон даражасидаги максал ва интилишларини яққол ифодалаб турибди. Биз ўзга йиллар маънавий ва сиесий жиҳатдан тўққунликка яшаган элмиз фарзандларини баркамол келажик учун курашамиз. Бу йўлда барча шартноларни яратамиз. Давлатимизнинг қисқа даврда халқаро спорт марказига айланган бораётганлиги, бутунги иқтисодий қийинчиликларга қарамай маҳобати спорт иншоотлари, саройлари қад

кўтараятганлиги, энг муҳими, халқимизнинг мустамакка йилларда унуттириб юборилган кўпқари, миллий кураш, чавгон ва бошқа ўнлаб қадимий спорт турлари қайтадан қўз оцаётганлиги фикримизнинг далилидир. Тўғриси, мен илгари фақат энг катта шаҳарларда, уларнинг ҳам фақат марказий қисмидаги айрим мактаблардагина жиҳозланган спорт заллари, сузиш ҳовузалари борлигини кўриб, қани энди бизнинг қишлоқ мактабларимиз ҳам шундоқ имкониятларга эга бўлса, дея ореу қилардим. Энди эса катта ишонч билан айта оламаники, мустақил давлатимизда бу йўлда — соғлом авлод тарбияси борасида бошланган улуг иш боис энг чекка кишлоқларимиз ҳам замонавий спорт ва соғломлаштириш тадбирларида эмин-эркин иштирок эта оладиган бўладилар.

Ўрни келганда, кўнглимдаги яна бир гапни айтиб ўтмоқчиман: соғлом авлодни тарбиялаб воғта етказишда матбуотнинг ҳам хизматлари бекис. Жумладан, энг севимли нашрларимиздан “Мазрифат”, “Ўзбекистон адабиети ва санъати” ҳафталиги бир неча йиллардан буюн бу борада қуюнқачлик билан жиҳдий чиқишлар қилиб келмоқда. Уларда шу мавзуга бағишлаб эълон қилинган мақолаларда атроф-муҳитни, табииати, яшил бойликларимизни, ер ва сувини асраб-авайлашга, халқимиз маънавиятини юксалтириш, бинобарин, замондошларимизнинг, айниқса, еш авлоднинг ҳам маъна, ҳам жисмонан соғлом камол топишига дахлдор муаммолар, тақдир-инстақлар ўз ифодасини топмоқда. Мен бундай хайрли ва эзгу ишда ўз хамкасбаримга, матбуотчиларга, барча-барчага омадлар тилайман.



“Таълим тўғрисида”ги қонун — амалда ФАОЛЛАР ФАОЛЛИККА ЧОРЛАЙДИ

Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунда халқ таълими олдига турган долзарб вазифалар, унинг устивор йўналишлари белгилаб берилган. Бу вазифалар жойларда қандай бажарилляпти?

Фаргона вилояти фаолларининг ақида бўлиб ўтган йилигишида ана шу масалалар атрофида муҳокама қилинди. Йилгилишда вилоят ҳокими муовини Турсунали Курбоннинг маърузаси тингланди. Нотик мазкур Қонуннинг шаҳар ва туманларда, вилоят халқ таълими бошқармасида ҳаётга қандай татбиқ этилаётгани тўғрисида таҳлилий фикр юрди.

“Таълим тўғрисида”ги Қонун кучга кирганидан кейин вилоят ҳокимияти шу асосда қатор қарорлар қабул қилди. Уни ҳаётга татбиқ этиш бўйича 1993—95 йилларга мўлжалланган тадбир белгиланди. Шунга мувофиқ хозир вилоят халқ таълими бошқармасининг ўз газетаси мунтазам равишда чоп этилиб турибди. Вилоятда жуда кўплаб ўйбючалари ташкил этилган. Айниқса, иқтидорли болаларни алоҳида дастурли ўқишларга тортиш бўйича катта ишлар қилиняпти. Вилоятда кўплаб замонавий турдаги ўқув масканлари очилди. Уларда йилмилари синовдан ўтказилган ўқувчи-ешларга малакали ўқитувчилар сабоқ берапти. Хуллас, халқ таълими тармоғининг барча бўғинларида илгаригига нисбатан сезиларли ривожланиш бор. Аммо бу ҳамма ишлар қўнгалдилик дегани эмас. Мисол учун, ўқувчиларнинг умумий билим даражаси бизни қаноатлантираётгани йўқ. Бизни туманларда бу нарсаси, ҳатто, вақтида текшириб турилмайди. Болаларнинг билимига ошириб баҳо қўйиш ҳануз давом этапти. Бу ахвол туман, вилоят, республика бўйича ўтказилаётган фан олимпиадаларида ўтил-қизиларнинг ўқув юрларига кириш учун тест синовлари топшириқларини бажаришларида сезилиб қоляпти.

Замонавий турдаги ўқув даргоҳларини очиш, яъни илмий ҳожиати лицейларни ташкил этиш айна даврда халқ таълими олдига турган долзарб вазифалардан биридир. Жойларда бу борада яқин ишлар қилиняпти, лицейларимиз иқтидорли болаларга чукур билим беришда дурустгина тажриба орттирдилар. Аммо, Сўх, Дангара туманларида, Қувасой шаҳрида ана шундай ўқув даргоҳлари ҳанузгача очилгани йўқ.

Тарбия борасида ҳам талайгина камчиликлар мавжуд. Қўлланилаётган тарбиявий усулларда замонавийлик етишмапти. Бунинг оқибатида қатор тартибузардиклар, ҳатто оғир жиноятлар келиб чиқяпти. Масалан, сўнги икки йил ичида 15 нафар ўсмир ўз жонига қасд қилди, ўқувчи-ешлар, кўпроқ қизлар бедарак йўқоляпти. Утган йили 38 нафар ўқувчи тартибузардикка, жиянат содир этганидан айбланиб, милиция рўйхатига тушди. Уларнинг орасида қотиллик қилганлари ҳам бор. Бизни ҳолларда мактабга бормай қолган болалар синфдан-синфга кўчириляпти. Муаллимлар тўғридан-тўғри зие масканлариди олибсатарлик қилиняпти. Бу ҳусусда тегишли жойларга аниқ ахборотлар келиб турибди. Шунингдек, баюғатта етмиш ешларни уйлантириб қўйиш, турмушга узатиш ҳоллари кузатиляпти. Бунинг устидан етарлиқ назорат ўрнатилмапти. Масалан, Марғилонда 14 ешли ўқувчи қиз мактабни ташлаб турмушга чиқди ва ҳомилали бўлди. Қўқонда ҳам 13 ешли қизни, ҳатто ўқинишни ноибагга олмай, турмушга узатиб юборишган. Шу шаҳардаги 16 ешли бола уйланган. Бундай далиллар ҳамкорликка асосланиши лозим бўлган тарбиявий ишларнинг зафилигини кўрсатади.

Маърузачи ва музокараларда сўзга чиққанлар вилотда таълим-тарбияни яқин йўлга қўйиш, илгор тажрибаларни амаллаштириш ҳамда камчилик ва нуқсонларни бартараф этиш юзасидан ўз мулоҳазаларини билдиришди.

Йилгилишда Ўзбекистон халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев иштирок этди ва “Таълим тўғрисида”ги Қонундан келиб чиқадиган навабатдаги вазифалар ҳақида нуқс эълади. Нотик, шунингдек, залга тўнгаланганлардан тушган саволларга атрофица жавоб қайтарди.

Йилгилиш сўнгида вилоят бўйича “Таълим тўғрисида”ги Қонунни амалга ошириш юзасидан 1994—2000 йилларга мўлжалланган тадбирлар” муҳокама қилинди ва маълумланди.

Аваз ҲАЙДАРОВ, ўз муҳбиримиз.

Шу кунларда маорифчиларимиз, мактаблар жамоалари ва бошқа таълим муассасалари туманимизда “Таълим тўғрисида”ги Қонуннинг ва иқтисодий ислохотларнинг амалда бажарилиши” мавзусида ўтказиладиган кенгашга қизгин хозирлик кўрмоқдалар. Туман ҳокимияти, жамоа ва ширкат ҳўжалиқлари, жамоатчилик диққат-эътибори таълим-тарбия муаммоларига жалб этилаётир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, туманда таълим соҳасига амалий ердан бериш 1986 йилдан бери босқичма-босқич давом этмоқда. 1986 йилда 7 та мактаб учун янги бинолар қуриб битказилган бўлса, 1988 йилга келиб яна 5 мактаб, 1993 йил эса 12 мактаб жамоаси тўлиқ жиҳозланган, замонавий ўқув биноларига эга бўлдилар. Бу йил 9, 14, 33, 42-мактаблар қурилиши давом эттирилмоқда. 2000 йилгача барча ўқув муассасаларининг моддий-техник таъминотини янгилаш мўлжалланаптир.

Жамоа ҳўжалиқлари ва оталиқ таълимчиларнинг марказлаштирилган жамгармалари эвазига 24 та мактабга компьютерлар ўрнатилди. Марказлаштирилган жамгармининг афзал томонлари шундаки, у ўқув муассасаларида ҳар йилги ези таъмирлаш ишлари ҳажимини аниқ белгилаш, зарур қурилиш материалларини ўз вақтида олиб келиш ва тақсимлаш имкониятини берапти. Шунингдек, ўқувчиларнинг бепул нонушталари учун қўшимча маблағлар ажратиш, етарли микдорда озик-овқат махсулотлари билан, зулуқсиз таъминлаш муаммоси ҳам ҳал этилмоқда.

Бозор иқтисодиетига босқичма-босқич ўтиш шариотида мактаблар ва оталиқ ташкилотлари, ҳўжалиқлар ҳамкорлиги, узаро муносабатлар шакли ҳам ўзгараптир. Мактабларнинг ксарда жойлашганлигига, имкониятларига қараб, мустақил равишда қўшимча маблағлар ишлаб топиш усуллари

юзага келаяпти. Масалан, Ғ. Гулом номидаги 10-мактаб 12 гектар боғни, 13-мактаб ўқувчилари 14 гектар сабазвотчилик майдонини ижарга олишди. 24-, 4-мактаб жамоалари эса канд лаваги етиштириш йўлида меҳнат қилишяпти. Ж. Хайлаев номидаги 9-ўрта мактаб қошида “Чарх” таъмирчилик-дурдорлик устaxonаси аҳолига хизмат кўрсатаптир. “Тараққиёт” жамоа ҳўжалигининг кўмаги билан 8-мактаб қошида гиламчилик, шойи-

жузуйи камчиликларга йўл қўяётган, шаклланиш жараёнидаги жамоалар гуруҳига бўлинган. Туман халқ таълими бўлимининг, айниқса, услубиёт кабинетининг 1993—94 ўқув йилга мўлжалланган иш режасида юқоридидаги шартли гуруҳларга мансуб жамоалар билан қайси йўналишларда ишлаш белгилаб олинди.

Президентимиз И. Каримовнинг “Иқтидорли ешларга эътиборни кучайтириш тўғрисида”ги Фармонида

таъйерлаш дастури ҳар бир билимдон, иждокор ўқитувчига етказилган. Бирок ўқитиш жараёнида муаммолар ҳам тугилмоқда. Табақалаштирилган таълим, фанларни чукур ўргатиш, иқтидорли ўқувчилар билан яқна тартибда машғулотлар олиб бориш еки қичик гуруҳларга бўлиб ўқитиш масаласи хали на таълимий ўқув дастурлари жиҳатидан, на фаркланувчи ўқув соатлари жиҳатидан мукамал ишлаб чиқилмаган. Шу вайдан

муқобил дарслиқлар яратилса, гуманитар ва аниқ фанлар еки касб-кор йўналиши устивор даражада бўлган ўқув режа соатлари янада аниқроқ бўлса, мактаб раҳбарлари учун ҳам, фан ўқитувчиларига ҳам қулай бўларди. Максал аниқлиги эса ўз навбатида ҳафталик ўқув соатларини қискартириш имкониятини беради.

Кузатишлар шундан далолат бераяптики, ўқувчиларимиз биз тасаввур қилолмайдиган даражадаги куч-гайратга, интилишга эгадир. Улар ниҳоятда истеъдодли. Бирок айрим ўқитувчиларимизга хос ҳаммага бир ўлчов билан ендашиш, эски усуллардан воз кеча олмаслик болаларнинг шаштини қайтараяпти, го-ҳо эса ўқишдан соувтаяпти ҳам.

Яна бир муаммо. Ҳозирги таҳсиллар ўқувчилар ўртасида фанларни ҳақиқий ўлаштириш 50—60 фоздан ошмаётганини кўрсатаяпти. Бунинг заминида балки биз тан олишдан чўчиётган табиат тилисим, ҳаётини қонунят яшириниб еттидиган. Нега йиллардан буюн би-

тирувчиларнинг 3—4 фоизи олий ўқув юрларига, 10—12 фоизи ўрта махсус ўқув юрларига, 20—25 фоизи муайян касб-кор егаларини тайёрловчи курсларга кириб ўқияпти. Қолганлари-чи? Қимдир ота-онаси изидан бориб, боғбон, дехқон, чорвадор, фермер, дурдор, нақшош, қассоб, савдогар бўлиб олган, бошқа бир қисми ҳеч қандай касбнинг етаганин тутганча қўй. Ота-оналар ҳам “Армияга бориб келсин-чи” деб кутиб туради.

Юқориди биз қичик корхоналар ҳақида гапирган эдик. Хозир ўша дастоҳларда ким яқин фаолият кўрсатаяпти, қайси ўқувчи мазаза қилиб мактаб боғида ишлаяпти? Жавоб тайер. Боғица математика ўқитувчисидан дашном ешитган болалардан бири! Боланинг тоза ҳавода, дарахларлу жонзотлар билан тиллашиб турганининг ўзек биз сезмаган бошқа бир сирли олам ешиги емасмикин? Инсоннинг қўзи, акли-ироқи нафақат қитоб орқали, балки биринчи гада табиатта ошнолик орқали очилмайдими?

Мактаб ҳаётини жонлантиришда адабиётнинг, санъат турлари, мусика, саҳналаштирилган кечаларнинг ва спортнинг аҳамияти катта. Туман миқёсида А. Навоий ва З. Бобурнинг таваллуд қилнирга бағишлаб ўтказилган адабий кечаларда ўқувчилар энг яқин хислатларини яна бир марта кўрсатдилар. Наврўз байрами кўржига кўрк қўшган, ота-оналарнинг, кекасу-ешнинг дуосини олганлар ҳам болаларимиз бўлди. Хулоса шунки, ўқувчиларни ҳавойи гаплар, панд-насихатнинг қурқу ўзи билан йўлга солиб бўлмайди. Уйғониш, тозарий болалардан бири! Боланинг тоза ҳавода, дарахларлу жонзотлар билан тиллашиб турганининг ўзек биз сезмаган бошқа бир сирли олам ешиги емасмикин? Инсоннинг қўзи, акли-ироқи нафақат қитоб орқали, балки биринчи гада табиатта ошнолик орқали очилмайдими?

Мақтаб ҳаётини жонлантиришда адабиётнинг, санъат турлари, мусика, саҳналаштирилган кечаларнинг ва спортнинг аҳамияти катта. Туман миқёсида А. Навоий ва З. Бобурнинг таваллуд қилнирга бағишлаб ўтказилган адабий кечаларда ўқувчилар энг яқин хислатларини яна бир марта кўрсатдилар. Наврўз байрами кўржига кўрк қўшган, ота-оналарнинг, кекасу-ешнинг дуосини олганлар ҳам болаларимиз бўлди. Хулоса шунки, ўқувчиларни ҳавойи гаплар, панд-насихатнинг қурқу ўзи билан йўлга солиб бўлмайди. Уйғониш, тозарий болалардан бири! Боланинг тоза ҳавода, дарахларлу жонзотлар билан тиллашиб турганининг ўзек биз сезмаган бошқа бир сирли олам ешиги емасмикин? Инсоннинг қўзи, акли-ироқи нафақат қитоб орқали, балки биринчи гада табиатта ошнолик орқали очилмайдими?

Мурол ХАЙЛАЕВ, Боевут тумани халқ таълими бўлимининг бош назоратчиси.

МАЪНАВИЯТНИНГ УЛКАН КОШОНАСИ

Китоб — билим манбаси. Китоб ўқиган китобхонда фикр, гоҳ туйғу...

Нақл қилишларча, қомусий билим соҳиб бўлган машҳур табиб Абу Али ибн Сино амир Нух ибн Мансур...

Маънавиятнинг бойлигига эришадиган хизмат қилиб келадиган республика илмий-педагогик кутубхонасининг 60 йиллигига бағишланган илмий-амалий анжуман мазкур нуронининг қиратонасида бўлиб ўтди.

Анжуманда халқ таълими тизими ходимлари, олимлар, профессорлар, ўқитувчилар ва кутубхоналар иштирок этдилар.

Илмий-педагогик кутубхонанинг фаолияти ва тарихини таърихчи доктор, профессор Д.Шодиева "Институт ходимлари олиб бораётган илмий тадқиқотларнинг янгиликлар билан таъминланиши", Халқ таълими вазирлиги бўлими мудири Т.Тошонов "Илмий истиқлол мафкурасини яратишда кутубхонанинг аҳамияти", УЗФТИИ бўлими мудири, педагогика фанлари доктори, профессор А.Зунунов "Кутубхона — маънавий манба", педагогика фанлари номзоди И.Абдуллаева "Кутубхона тарихидан. Эскиликлар (хотиралар)", Тошкент педиатрия медицина институтининг тарбия ишлари бўйича проректори, доцент М.Азизов "Талабалар кутубхонасининг базис муаммолари", Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг доценти Т.Тошпўлатов "Маънавиятнинг улкан қасри", Тошкент давлат маданият институти катта ўқитувчиси, педагогика фанлари номзоди М.Махмудова "Ўқитувчиларга кўрсатиладиган кутубхона хизматини яхшилашнинг юқимли-руҳий омиллари" (ҳамкорликдаги илмий-тадқиқот ишлари тажрибасидан), Давлат болалар кутубхонаси илмий-методик бўлими мудири Э.А.Папазян "Ўзбекистон Республикаси Давлат болалар кутубхонаси билан РИТнинг бирлигида олиб борилган ишларнинг асосий шакллари" мавзусида маъруза қилдилар.

Анжуман иштирокчилари энг маънавий таълимнинг ҳақиқат ҳодимлари ҳақида илқ фикрлар билдириш билан бирга кутубхона фаолияти тўғрисида ҳам ўз фикр-мулоҳазалари ва тақдирларини баён қилдилар.

Кутубхонанинг фаол ходимларига "Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси" нишони ҳамда Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

Д.ХУЖАЕВА.



Муҳаммаджон Султонқулов урушдан сўнг Тошкент шаҳридаги 157-мактабда 44 йил саҳарали фаолият кўрсатди. Айни кунда кексаллик гаштини сураяпти.

Катор орден ва медаллар соҳиб М. Султонқулов катта оиланинг бошиги ҳамдир. Унинг 11 фарзанди, 40 нафар невараси бор. Мактаб ўқувчилари билан тез-тез учрашиб туради.

Сурато: М. Султонқулов ўғил-қизларга Кўрсатилган Брянский йўналишидаги ҳамда Орёл шаҳри учун бўлган жанглар тафсилотини сўзлаб бераяпти.

Р. АЛЪБЕКОВ олган сурат.

Назм дафтаридан

АҚЛ ҲАҚИДА

Ақл ҳақиқий дўстдир, билмаганини билдирад, Инсонга янги-янги ихтиролар қилдирад.

Емон ишдан сақлайди, яхшиликни еқлайди, Қалбни доим пойлайди, кўп ўлжани қилдирад.

Алдатмайди айерга, йўлатмайди тайерга, Кўндирди мейерга, душман бағрин тилдирад.

У бошлайди вафога, ҳалол кайфу сафога, Йўл бермайди жафога, завқ бағишлар, қулдирад.

Бузмайди ҳеч орани, кеткисар гам-ярани, Доғлаб ичи қорани, ағеринги ўлдирад.

Тўра, ақл давлатдир, катта обрў, савлатдир, Туганмас шон-шавкатдир, ишда зафар келтирад.

Тўра ЖУМАН.

ЖАДАЛЛИК

Жон олиб, жон берар меҳнатда қимлар, Ким эса гап ташир хонама-хона.

Лойқайдлик тўнини қийган имиллар, Йивдан гап бошлар бошқа бегона.

Ишдан бош кўтармас қайсидир одам, Бошин қашимокқа тегмайди қўли,

Кимнингдир ўйда машаққат, ором, Чап бериш пайига тушади йўли.

Барча бир хил эмас, Деган гап бор-у,

Жадаллик даврита энди нима ҳос? Ҳамма иллатларни иргитмақ — орзу,

Покликка покликдай қўймаклик ихлос.

\*\*\*

ҚИЗИМ ЛАЙЛОХОНГА

Онамни эсламан сени кўрганда, Қуйиб қўйгандексан шундоқ,

Қизгинам, Аянги ўзисан сочинг ўрганда,

Фақат, Менга ўшар қулча юзгинанг,

Умриндан тошурим, Омадинг келсин!

Зафар пешвоз чиқсин истиқболингта, Оптоқ тонг еллари бошингда эссин,

Заррин нур йўғрилсин хур толеингта, Ўқиб ҳам,

Ишлаб ҳам толма, Юлдузим,

Эл-юрт хурматига бўлсин сазовор, Симобдай пок бўлсин босан ҳар изинг,

Кутган хонадонга бўлиб кир баҳор.

РУБОУЙЛАР

Турмушга асло доғ тушурма, Виджон! Сента суянади бузруквор Инсон.

Оқ қора, қорани оқ десанг, магар, Ўша кун Имондан қолмас ном-нишон.

\*\*\*

Қай хатти-ҳаракат содир этсак биз Хоҳ муҳабб, хоҳ ерқин — қолдирадиз из.

Мудҳини кўз еши билан қовлар, Ерқини эъзода мисоли юлдуз.

Расулжон ЮНУСАЛИЕВ.

Бекобод тумани.

Спорт

ЁШ

ПОЛВОНЛАР

Бухоро вилоятининг Олот тумани болалар спорт мактаби ўқувчиларининг дэю-до бўйича мусобақалари низоҳасига етди.

Беллашуларда Андижон вилоятидан ташқари барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри командалари куч шиканди.

Мурсасиз курашларда Олот тумани болалар спорт мактаби талабалари гойиб чиқиди. Самарқанд кишлоқ туманидаги болалар спорт мактаби вакиллари иккинчи, Чирчиқдаги 3-болалар спорт мактаби ўқувчилари учинчи ўринни эгаллашди.

Шуниси лиқкатта сазоворки, 11 хил ваан тойфасида гойиб чиккан ўн бир спортчидан тўрт нафари — Б.Абдулхаттов, Г.Бобоев, Б.Хужаев, У.Муродовлар Олот болалар спорт мактаби вакилларилидир.

— Ҳеч бир ютуқ осонликча қўлга киритилмайди, — дейди "Меҳнат резервалари" кўнгилли спорт жамаиати республика Марказий кенгаши болалар спорт мактаби бўлими мудири Х.Мирзаев. — Олот тумани болалар-ўсмирлар спорт мактаби директори, жонқуяр спортчи Рустам Тўраев сайхарақатлари тўғрисида бу ерда кейинги 10 йилда республика терма командасига ўндан ортик спортчи етиштирилди.

Ҳ.МАННОПОВ, муҳбиримиз.

БИДИРИШ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги умумий ўрта таълим бош бошқармаси 1994 йил 12 май куни соат 10 дан 16 га қадар республика мактабларидаги синфдан-синфга кўчириш ва битирish имтиҳонлари мавзусида очиқ мулоқот ўтказди.

Маълумот учун телефонлар: 39-43-28, 39-19-59, 39-40-90, 39-13-41.

Халқлар дўстлиги орденли Низомий номли Тошкент давлат педагогика институтини 1994 йил учун аспирантурага қабул эълон қилади

Мақсадли аспирантурага:

Кундузги ўқиш учун: Ҳисоблаш математикаси, математик таҳлил, дифференциал тенглама, Ватан тарихи, фалсафа, одобнома, ўзбек адабиети, рус тили, умумий психология, еш ва педагогик психология, педагогика назарияси ва тарихи, фанлар бўйича ўқитиш услубиети, махсус педагогика, жисмоний тарбия назарияси ва услубиети.

Сиртдан ўқиш учун: Ватан тарихи, ўзбек тили, педагогика назарияси ва тарихи, махсус педагогика, еш ва педагогик психология

Эркин танловли аспирантурага:

Кундузги ўқиш учун: Умумий психология, ватан тарихи, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда аспирантурага ўқиш учун 35 ешдан, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун 45 ешдан ошмаган, танланган ихтисослиги бўйича олий ўқув юртини битиргандан кейин камида 2 йиллик амалий иш тажрибасига эга бўлган ва илмий тадқиқот ишига қобилияти бор кишилар қабул қилинади.

Еш мутахассислар бевосита олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан битиргандан сўнг олий ўқув юрти (факультет) кенгашининг тавсиясига биноан аспирантурага кириш учун бўладиган танлов имтиҳонларига қўйиладилар.

Еш мутахассислар бевосита давлат стипендияларини олиб, олий ўқув юртини имтиёзли диплом билан битиргандан сўнг олий ўқув юрти (факультет) кенгашининг тавсиясига биноан аспирантурага имтихонсиз қабул қилинади.

Аспирантурага кириш учун аризалар институт ректори номига қўйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда берилади: ходимларни ҳисобга олиш варақаси (расми билан) таржима ҳол, охириги иш жойидан тавсифнома, дипломнинг нотариус томонидан тасдиқланган нусхаси ва синовлар варақасидан кўчирма, охириги иш жойидан

оладиган маоши ҳақида маълумотнома (кундузги аспирантурага кирувчилар учун), эълон қилган илмий ишлар рўйхати, босилиб чиққан илмий ишлари бўлмаган кирувчилар танлаган ихтисослиги бўйича машина ёзувида 20—25 бет ҳажмида илмий маъруза, реферат топширади, яшаш жойидан маълумотнома, тиббий маълумотнома.

Аспирантурага кирувчилар мутахассисликдан ва бирор чет тили (инглиз, немис, француз, испан, италиян ва шарқ тилларидан олий ўқув юртлари учун жорий этилган ўқув дастурлари ҳажмида танлов имтиҳонлари топширадилар.

Ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда аспирантурага кириш имтиҳонларини топширишга рухсат этилган шахсларга уларнинг имтиҳонларига тайёрланиш ва топшириш учун иш жойларидан иш ҳақлари сақланган ҳолда 30 кунлик қўшимча таътил берилади.

Аспирантурага номзодлик имтиҳонларини қисман топшириб қираётган шахслар қолган имтиҳонларини топшириш учун ҳар бир имтихонга 10 кун ҳисобда ҳақ тўланадиган қўшимча таътидан фойдаланадилар.

Ариза ва ҳужжатлар 1994 йил 5 июнгача қабул қилинади.

Аспирантурага кириш учун I тур имтиҳонлари 1994 йил 10 июндан бошланади.

Аспирантурага ариза ва ҳужжатлар II тур учун 25 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари 1994 йил 1 ноябрдан бошланади.

Маълумот олиш учун Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини аспирантура бўлимига (тел: 54-74-20), ректоратнинг илмий ишлари бўйича ўринбосари (тел: 55-47-86) га мурожаат қилинсин.

БИЗНИНГ МАНСИЛЛОҲИМИЗ: 700064. Тошкент шаҳри, Глинка кўчаси, 3-уй.

Тошкент шаҳар Хоним Мирзои мақдасининг халқ таълими Бош бошқармаси, фан ва халқ таълими ходимлари, шаҳар касба уюшмаси йўналиши, туман халқ таълими бўлими, шаҳар педагогика жамоалари Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг биринчи даражаси мутахассиси...

Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси ва Шайхонтоҳур тумани халқ таълими бўлимига тўғри келган шахсларнинг бошлиғи Л. О. Фуломовага умр йўлдоши...

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани халқ таълими бўлимига қарашли Ю. Муҳаммад номли 74-ўрта мактаб жамоаси ушбу мактабнинг тил ва адабиёт ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси...

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касба уюшмаси, тиббиёт-жуғрофия факультети жамоаси биология ва ун ўқитиш услубиети кафедрасининг ўқитувчиси Гафар Абдуллаева Фулом қизига отаси...

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти ректорати, касба уюшмаси биология ва ун ўқитиш услубиети кафедраси мудири, профессор Динорам Шариповага турмуш ўртоғи...

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги 84-ўрта мактаб жамоаси шу мактабнинг илмий мудири Н. Пўлатовага падари бузруквори...

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги 249-мактаб жамоаси шу мактабнинг директори Ҳаво Ҳамедовага онаси...

ҚУТЛАЙМИЗ

Хурматли Зайнаб Рашидова!

Ўқитувчилик фаолиятининг 30 йиллиги, таваллудининг 53 йиллиги билан муборакбод этамиз. Қалбнингизда неки ниятларингиз бўлса, амалга ошаверсин.

Каттақўрғон туманидаги 57-мактаб жамоаси.

Хурматли Қалқон ОСТОНОВ!

Уттиз йилдири, Қамаш туманидаги 74-мактабда бошланғич синфларга сабоқ бериб, меҳр-нурингизни, қалб-қўрингизни тўкиб келасиз.

Сизни туғилган кунингиз билан қутлаб, оилавий ишларингизда баркамоллик тилаймиз.

Мактаб жамоаси.

Азизимиз Тўйчи ХОЛМАТОВ!

Сизнинг 60 йиллик юбилей тўйингизни нишонлаш биз учун гурури, сурурлидир. Оғир ва машаққатли йўлни босиб ўтдингиз. Кўп йиллик педагогик фаолиятингиз давомидан юзлаб, минглаб ўқувчиларга илқ "Алифбо" сабогини ўргатдингиз. Инсоний фазилатларингиз, билимдонлигингиз тўғрисида эл ўртасида катта обрўга эришди. Биз халқи равишида Сиз билан фахрланамиз. Туғилган кунингиз кутлуг, босан зингизга гуд бўлсин!

Қашқадарь вилояти Қамаш туманидаги Ҳ. Фулом номидаги мактаб жамоаси ва фарзандларингиз Илҳом, Муқаддас, Раъно.

Азизимиз Хадича СОТИБОЛДИЕВА!

Сиз Фарғона вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш олийгоҳи бошланғич таълим кабинети мудираси лавозимда хизмат қилаёсиз. Меҳнатсеварингиз тўғрисида ҳурмат, эътибор қозондингиз. Оилада эса Сиз бизнинг суянчимиз, оқ ювиб, оқ тарайдиган меҳрибонимизсиз.

44 ешингиз, туғилган кунингиз муборак бўлсин! Бахтимизга ҳамиша гўзал ва соғ-саломат бўлинг.

Меҳр отуғила: турмуш ўртоғингиз Абдурахимжон, фарзандларингиз Алишер, Нигора, Нодира, Фарход, Равшанбек.

Хурматли Нажим БОҚИЕВ!

Педагогик касбини танлаб, ешларга илк бор биринчи сабоқни берганингизга ҳам бир неча йиллар бўлди. Юзингиздаги мамнуниятлик касбингиз ифтихоридан далолат бериб турибди.

Сизни туғилган кунингиз билан чин юракдан қутлаймиз.

Рафиканғиз Раъно, фарзандларингиз Чарос, Нурбек, Зарифа, Нодиржонлар.

Қадли Худойберди БЕГИМОВ!

Олтинч ешга тўлибсизки, ҳамон ешлар таълим-тарбиясида ўзингизни масъул деб ҳис этасиз. Бу эса педагогика, миллат келажигига, қолаверса, жамоамизга бўлган хурматингиз белгисидир.

Азиз устоз! Қутлуг айёмингиз муборак бўлсин, юзингизда доимо қулгу балқиб тураверсин.

Сизларе вилояти Сайхунбод туманидаги еш табиятшуносла маскани жамоаси.

Мухтарам Оруз РАҲМАТУЛЛАЕВ!

Педагогик фаолиятингизга 44 йил, туғилган кунингизга 60 баҳор тўлиши билан чин юракдан табриқлаймиз. Сиздай устозлар борлиги билан доимо фахрланамиз.

Қамолди эҳтиром ила Қасби тумани халқ таълими бўлими ҳамда "Ўзбекистон мустақиллиги бир йиллиги" номли мактаб жамоаси.

БИЛИМ БАЙРАМИ

Тошкент шаҳрининг Мирзо Абдулқадир Қўлиев туманидаги 49-ўрта мактабда "Алифбо" байрами бўлиб ўтди. Унда 1-"В" синф ўқувчилари ўз билимларини, нотўқиллик, адабиёт ва санъатга бўлган иқтидорларини намойиш қилдилар. Ҳар бир ҳарфининг таърифи тавсифини келтириб, еддан шеърлар ўқидилар, жозибали кўшиқ-рақслар, қулғили интермедиялар ижро этдилар.

Байрамда мактаб илмий бўлими мудири Нафиса Азизова ўқувчиларни савод чикарганликларига, еши-чиши-булиб ўтди. Унда 1-"В" синф ўқувчилари ўз билимларини, нотўқиллик, адабиёт ва санъатга бўлган иқтидорларини намойиш қилдилар. Ҳар бир ҳарфининг таърифи тавсифини келтириб, еддан шеърлар ўқидилар, жозибали кўшиқ-рақслар, қулғили интермедиялар ижро этдилар.

Д. МУМИНОВА.

Бош муҳаррир Саъдулла ҲАКИМ.

Тахрир хайъати: Умида АБДУАЗИМОВА (бош муҳаррир ўринбосари, илова учун масъул), Алишер КАРИМОВ, Гафур МАННОПОВ, Абдулла ОРИПОВ, Тотлимурод ОТАМУРОДОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (масъул котиб), Маҳкам РАҲМОНОВ, Махмуд САИДАҲМЕДОВ, Баҳром КОДИРОВ, Бегаги ҚОСИМОВ, Абдунаби ҲАЙДАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Факт ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдилар. Фойдаланилмаган мақолаларга эзма жавоб қайтарилмайди. МАНСИЛЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбўточлар кўчаси, 32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-55-58. «Шарқ» нашрият-мағбаа концерни босмаханаси. Қорхона мавзиси: «Буюқ Турон» кўчаси, 41-уй. Навбатчилар: Абдусами Ҳақбердиев, Қурбонбой Матқурбонов.